




# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси  
МАТЕРИАЛЛАР ТўПЛАМИ



ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ  
МИЛЛИЙ ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЮНЕСКО ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ  
ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР “ОЛИМА” АЁЛЛАР УЮШМАСИ  
TADQIQOT.UZ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ ЖУРНАЛЛАР ПОРТАЛИ

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

халқаро илмий-амалий конференцияси  
(Тошкент, 2-3 март 2023 йил)  
**МАТЕРИАЛЛАР ТЎПЛАМИ**



## КОНФЕРЕНЦИЯНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ

### МАСЪУЛ МУҲАРРИР:

Исмоилова З.К. - педагогика фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Ўлжаева Ш.М. - тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Джўраева Н.Д. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

### КОНФЕРЕНЦИЯ МУСАҲҲИҲИ ВА КООРДИНАТОРИ:

Базарова М.М. - (Тошкент, Ўзбекистон)

### ДИЗАЙНЕР:

@TADQIQOTDESIGN

### ИЛМИЙ МУҲАРРИР:

Ўлжаева Ш.М. - тарих фанлари доктори, профессор (Тошкент, Ўзбекистон)

Бабаджанова Н.А. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ ВА АЪЗОЛАРИ:

Мамадаминова Б. - тарих фанлари номзоди, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

Толибоева Н.О. - PhD, доцент (Тошкент, Ўзбекистон)

Мирзахмедов Х.А. - PhD, в.б. доцент (Наманган, Ўзбекистон)

**«ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ОЛИМА АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ»** мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция материаллар тўплами (Тошкент ш., 2-3 март 2023 йил) / масъул муҳ. Ismoilova Z.K., O'ljayeva Sh.M., Djurayeva N.D. - Тошкент: ТИҚХММИ-МТУ, 2023. – 324 б.



First, the legal and normative basis for ensuring women's socio-economic activity was formed;

Secondly, women's participation in economic and spiritual-cultural life a social system providing;

Thirdly, the active participation of women in the socio-economic life of the society social and spiritual that supports democratic values environment was formed. Revealing the socio-philosophical nature of these changes giving, identifying ways to further increase the socio-economic activity of women is an important issue.

It should be noted that women's entrepreneurship in the country is socio-economic implementing a number of measures to increase political activity in the case of parties, their scale, weight and political culture of women the effect on promotion is not yet at the level of the requirements of the time. Political in the current era 40-44% of women participate in party activities.

In conclusion, The share of women in political parties is 44%, in the field of higher education - 40%percent, in entrepreneurship reached 35 percent. In May of this year, the Senate of the Oliy Majlisadopted a strategy to achieve gender equality by 2030.

In this strategy, as well as other priority directions, in socio-economic areas the issue of ensuring equal rights and opportunities for women and men also took place.

As President Sh.Mirziyoev noted, "Girls are the angel of our life Decent work and life for our blessed mothers and loving sisters to create conditions, to please them - not only leaders of all levels it is a service duty, perhaps, first of all, a human duty."

## References

1. Шарифхўжаев М. Ўзбекистон: янги ғоялар, янги ютуқлар. – Т., Шарқ. – 2002. – Б. 177
2. file:///C:/Users/iService/Downloads/jamiyat-ijtimoiy-iqtisodiy-hayotida-ayollar-ijtimoiy-faolligini-oshirish-omillari.pdf
3. Abdurahmonov F. Milliy manfaatlar va milliy birlik tuyg‘usi. – Т.: ИВ Академияси, 1995

**Ботирова Ҳалима Эшмаматовна,**  
ТИҚХММИ МТУ,  
Гуманитар фанлар кафедраси доценти  
botirovahalima555@gmail.com.  
**Эргашева Фотима Бахтиёр қизи**  
ТошПТИ Даволаш иши факултети  
2-курс талабаси.  
fotimabahtiyorovna@gmail.com

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА АЁЛЛАР ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКИЛЛАНТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИСЛОҲОТЛАР

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳисобланади. Ҳар қандай шахснинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, жумладан аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳамда аёлларнинг оналик вазифасини бажариши, аёл бир вақтнинг ўзида ижтимоий меҳнатда оналик вазифасини бажариш баробарида ўз истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқариш масалалари кўрсатилиб берилган.

**Калит сўзлар:** демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришга интиломда, аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, оналар билими юқори бўлган



оилаларнинг иқтисодий аҳволи яхши бўлади, аёллар ихтиёрый равишда турмуш қуришдаги ҳуқуқий онги ва маданиятини такомиллаштириш, эрта турмуш қуришни олдини олиш.

**Ботирова Халима Эшмаматовна**  
НИУ “ТИИМСХ” кафедра “Гуманитарные науки” доцент.  
botirovahalima555@gmail.com  
**Эргашева Фотима Бахтиёр кизи**  
ТашПМИ, Лечебное дело (2-курс)  
fotimabahtiyorovna@gmail.com

## РЕФОРМЫ, ПРОВЕДЕННЫЕ В ГОДЫ НЕЗАВИСИМОСТИ ПО ФОРМИРОВАНИЮ ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРЫ ЖЕНЩИН

### АННОТАЦИЯ

Одной из важных характеристик правового государства в данной статье является высокая правовая культура населения. Рассмотрены вопросы формирования правовой культуры любого человека, в том числе формирование правовой культуры женщин и роли женщин как матерей, реализация их талантов и способностей при одновременном выполнении роли матерей в социальной работе.

**Ключевые слова:** стремится построить демократическое правовое государство и гражданское общество, формирование правовой культуры женщин, экономическая ситуация семьи в хорошем состоянии с высокообразованными матерями, развитие правового сознания и правовой культуры для добровольного вступления женщин в брак, предотвращение ранних браков.

**Botirova Khalima Eshmamatovna**  
“TIAME” NRU department of “Humanities” docent. botirovahalima555@gmail.com  
**Ergasheva Fotima Bahtiyor qizi**  
TashPMI, Medical faculty (second-year student) fotimabahtiyorovna@gmail.com

## REFORMS CARRIED OUT DURING THE YEARS OF INDEPENDENCE TO FORM THE LEGAL CULTURE OF WOMEN

### ABSTRACT

One of the important characteristics of constitutional state in this article is the high legal culture of the population. The issues of the formation of the legal culture of any person, including the formation of the legal culture of women and the role of women as mothers the realization of their talents and abilities, while fulfilling the role of mothers in social work, are considered.

**Keywords:** aiming to build democratic state of law and civil society, form women’s legal culture, family’s economical situation is good in families with highly educated mothers, developing the legal culture and awareness on women’s marrying, prevent early marriages.

Ўзбекистон истиқлол туфайли бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамият қуришга интилоқда. Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек: “Бугун биз бир тарихий даврда – халқимиз ўз олдида эзгу ва улуғ мақсадлар қўйиб, тинч-осуда ҳаёт кечираётган, авваломбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамоқдамиз”. Ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири аҳолининг юксак ҳуқуқий маданияти ҳисобланади. Мамлакатимизнинг эндиги тараққиёти жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги, тафаккури ва маданиятини юксалтиришни долзарб вазифа қилиб қўяр экан, шу ўринда аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади, зеро улар аҳолининг 51 фоизини ташкил этадилар. Ҳар қандай шахснинг



ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, жумладан аёллар ҳуқуқий маданиятини шакллантириш ҳам ўз-ўзидан юзага келадиган жараён эмас.

Аёлларнинг оналик вазифасини бажариши ижтимоий тараққиётнинг барча даврлари учун зарурият ҳисобланган. Шунинг учун аёллар меҳнатини баҳолашда мана шу махсус, ўзига хос омилларни ҳисобга олиш зарур. Аёллар икки бир-бирига номутаносиб вазифаларни: аёл бир вақтнинг ўзида ижтимоий меҳнатда ҳамда оналик вазифасини бажаришда баб-баробар ўз истеъдод ва имкониятларини рўёбга чиқаришга интилади. Икки соҳани ҳам бирдай олиб бориш аёллардан катта куч талаб қилади, уларнинг бўш вақтини камайтиради. Шу туфайли аёлларнинг ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш, жамоат ишларида катнашуви ва оналик вазифасини бажариши ўта мураккаб жараён ҳисобланади.

Сўнгги йилларда гендер тенгликни таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги ролини ошириш бўйича ишлар бир неча йўналишларда олиб борилмоқда:

- аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;
- аёлларни ҳимоя қилишнинг институционал асосларини такомиллаштириш;
- аҳолининг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш;
- ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул

мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар асосида ўқитиш.

Ўзбекистонда бир қатор қонун ҳужжатлар, жумладан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш, хусусан, гендер тенглиги ва аёлларни зўравонлик ва зулмдан ҳимоя қилиш, аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш мақомини кучайтириш тўғрисидаги фармон ва қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида 2019 йил сентябрь ойида “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилинди. Айниқса, “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Ушбу Қонун кўп йиллик муҳокамалардан сўнг қабул қилинди. Қонун оиладаги зўравонлик қурбонларига ёрдам бериш, уларга бошпаналар ажратиш, ишонч телефонлари ва нафақат жисмоний зўравонлик, балки психологик ёки иқтисодий жиноятлар бўйича мажбурий жавобгарликка тортиш орқали аёлларни ҳимоя қилиш учун асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Гендер тенглигини жорий қилиш нуқтаи назаридан таълимдаги ижобий силжишларни алоҳида таъкидлаш керак. Яъни, 2017 йилдан бошлаб аксарият олий ўқув юрларида турли мутахассисликлар бўйича сиртқи бўлимлар фаолияти тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларга болаларни парвариш қилиш ва бошқа оилавий мажбуриятларни бажаришга халал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини беради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил июнь ойида Олий Мажлис Сенатидаги нутқидан иқтибос келтиришни ўринли деб биламан: “Мени кишиларимизнинг онгида пайдо бўлган стереотип кўп ўйлантиради. Одатда биз аёлни авваламбор она, оила қўрғонининг қўриқчиси сифатида ҳурмат қиламиз. Бу, шубҳасиз, тўғри. Аммо бугун ҳар бир аёл оддий кузатувчи эмас, балки мамлакатда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг фаол ва ташаббускор иштирокчиси ҳам бўлиши керак”.

Аёлларнинг билим олиш ҳуқуқи инсоннинг асосий ҳуқуқларидан ва, энг муҳими, тенглик, тараққиёт, тинчлик каби мақсадларга эришиш воситаларидан биридир. Замонавий аёлга шунчаки саводли бўлиш: ўқиш, ёзиш, ҳисобни билиши етарли эмас, унинг олдида таълимнинг сифати, муаммоси пайдо бўлиб, доим мустақил таълим устида ишлаб, тинимсиз ўз билимларини орттириб, чуқурлаштириб боришни талаб этади. Хотин-қизлар орасида саводхонлик улар оиласида фарзандларнинг соғлигини сақлаш, овқатланиш ва таълим олишини таъминлашда қўл келади.

Бу соҳада олиб борган тадқиқотлар ҳам шуни кўрсатмоқда: Оналар билими юқори бўлган оилаларнинг иқтисодий аҳволи яхши бўлади; оналар билими юқори бўлган оилаларда болалар жинояти кам содир бўлади; билимли оналарнинг фарзандлари одатда доимо тўқ,



яхши кийинган ва камроқ касалга чалинувчан бўлади; билимли онанинг фарзандлари фан ва техниканинг янги йўналишларини тезда ўзлаштириб олади; билимли она ўз ўғил-қизларига оила қуриш, уни парваришлаш, оиланинг моддий таъминоти ҳақида кўпроқ маълумот беради ҳамда фарзандларига ўз жисми, саломатлигини сақлашни ўргатади. Шунинг учун ҳам билимли аёллар туғиш пайтида камроқ нобуд бўлади, аёллар билими қанчалик юқори бўлса, уларнинг ҳаётда танлаш имконияти шунчалик кенг бўлади, жамият ва оилада ўз мавқеини англаш учун шароит ярата олади; билимли аёллар ўз фарзандларини ҳаётда ўз ўрнини топишга, билим олиш, касб танлаш, мутахассисликка эга бўлишга яқиндан кўмаклашиш имкониятига эга бўлади; аёл билимли бўлса, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни тўғри таҳлил қила олиш қобилияти кучли бўлади ҳамда фарзандларига тўғри маълумот бериш имкониятига эга бўлади; оқила она тарбия қилган фарзандларда муомала маданияти юксак бўлади; билимли аёллар ўз фарзандларини ҳаётнинг мураккабликларига тайёрлаб боради ва ҳоказолар.

Ҳуқуқий маданият шахсий эътиқод ва анъаналарга эмас, балки қонунга асосланиб ҳаракат қилиш қобилиятидир. Юқорида биз аёлларни меҳнатга жалб этишда урф-одат ва диний эътиқодларнинг таъсири қанчалик кучли эканлигини кўриб чиқдик. Аёллар ҳуқуқий саводхонлик масаласида анча орқада қолаётганлиги айнан уларнинг оиладаги аҳволига боғлиқдир. Оилада анъанавийлик кучли бўлса, аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларга эришуви, жамиятда ўз мавқеига эга бўлиши мураккаб кечади. Агар биз мана шу ҳолатни ҳисобга олсак, оила аёлларнинг ҳақ-ҳуқуқларига эга бўлиши, ўз тақдирларини ўзлари ҳал этишлари, билим олишлари ҳамда касбий маҳоратга эга бўлишида муҳим аҳамият касб этади. Бу аёлларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш юзасидан доимий равишда иш олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Юқоридаги таъкидланган фикрлардан қўйидаги хулосаларга келиш мумкин. Шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш мураккаб жараён бўлиб, аҳоли таркибига нисбатан дифференциал ёндашувни талаб этади. Жумладан, аёллар ҳам ўзига хос демографик гуруҳ бўлганлиги учун уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини такомиллаштириш ҳам ўзига хос хусусиятга эга. Улар қуйидагилардир:

1. Жинсларнинг био-физиологик тузилишига кўра, аёллар репродуктив вазифасини бажарганлиги туфайли кўпроқ оила доирасида чекланиб қоладилар.

2. Аёллар гарчанд меҳнатга жалб этилсалар ҳам, фарзанд кўриб, уларни тарбиялашга кўп вақтларини сарф қилганликлари туфайли узок йиллар танаффус билан ишлашга мажбурдирлар, бу ҳолат уларни оилада эрлари, қайнота-қайноналарига қарам бўлиб яшашига, уларнинг турли талабларини бажаришга олиб келади.

4. Аёллар ҳуқуқий онгини ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, уларнинг оиладаги мавқеига, улар ҳуқуқининг тан олинishiга, оилавий муносабатлар маданиятининг даражасига, билимига, касб маҳоратига, иқтисодий мустақиллигига боғлиқ бўлади.

5. Аёллар ҳуқуқий маданиятининг шаклланиши аёллар ҳақидаги эркакларнинг тасаввурлари, қарашларига ҳамда уларни ўзлари билан тенг инсон деб билишларига ҳам боғлиқдир.

6. Аёллар ҳуқуқий маданиятини такомиллаштириш, бу соҳада фақат аёллар орасида тарғибот ишлари билан чекланмасдан, бутун жамият аҳолиси орасида аёллар, аёллар ҳуқуқи, уларнинг ҳуқуқий маданиятлари ҳақида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни талаб этади.

Хулоса қиладиган бўлсак, ҳуқуқий онгни юксак даражага кўтариш ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш фақат амалдаги мавжуд ҳуқуқий нормаларни билиб олишнинггина назарда тутмайди. Балки қонунларни турли ҳаётий вазиятларда қўллай олиш, уларни тўғри татбиқ эта билиш масаланинг муҳим томонидир. Бинобарин, ҳуқуқий онг ҳам ҳуқуқий маданиятдан келиб чиқадиган ҳодиса бўлиб, қонунчиликни янада ривожлантиришнинг ишончли омилидир.



### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. Электронный ресурс: <http://uza.uz/ru/politics/poslanie-prezidenta-respubliki-uzbekistan-shavkata-mirziyeev-25-01-2020>
2. Полевик С.Н. Гендерные аспекты применения информационных технологий в библиотеке, International Scientific Journal № 2, 2016.
3. Уразалиева Г.Б. Гендер ва аёллар ҳуқуқий маданияти Босма Монография.-Т.: Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхонаси нашриёти, ТИМИ, 2010.68- 71 бетлар.
4. Барашян В.К. Гендерный конфликт в киберпространстве, вестник ДГТУ. 2011. т. 11, № 7(58).
5. Тихонова В. Л. Культурная самоидентификация в социальной сети интернета. УДК 008:1-027.21.
6. Женщины и мужчины. Статистический сборник. Госкомитет Республики Узбекистан по статистике. Ташкент: 2019.
7. Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция.-Т.:1998.-18б.
8. Маткаримова Г. Аёл ҳуқуқлари- Т.: ТашГЮИ, 2001.-126б.
9. Оила кодексига шарҳлар. -Т.: Адолат, 2000.-448 б.
10. Ҳуқуқий маслаҳатлар. –Т.: Адолат,2003. -144б.
11. Аёл-Оила-Ҳуқуқ. Т.: Маънавият, 1998. -154 б.

**Ш.Ш.Низомова,**

Бухоро Давлат Университети

Педагогик таълим факультети

Мактабгача таълим кафедраси ўқитувчиси, ф.ф.д., (PhD)

gmail: s.s.nizomova@buxdu.uz

## ЯНГИЛАНАЁТГАН ЎЗБЕКИСТОНДА ХОТИН-ҚИЗЛАРГА МУНОСАБАТ

### АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада янгиланаётган Ўзбекистонда хотин-қизларга қаратилган эътибор хусусида фикр юритилган.

**Калит сўзлар:** оила, аёл, фарзанд, оила, жамият, ҳамжиҳатлик, муносабат

### АННОТАЦИЯ

В данной статье уделяется внимание женщинам Узбекистана, которое пополняется.

**Ключевые слова:** семья, женщина, ребенок, семья, общество, солидарность, отношения

### ABSTRACT

In this article, attention is paid to women in Uzbekistan, which is being updated.

**Key words:** family, woman, child, family, society, solidarity, relationship

Аёл бор экан, оила деган муқаддас кўрғон, фарзанд деган бебаҳо неъмат бор. Аёлларимиз бахтли бўлса албатта оиламиз, жамиятимиз ҳам бахтли бўлади. Хотин-қизлар барча соҳа ва тармоқларда эркалар билан тенг ҳуқуққа эга бўлиб, юксак ҳурмат-эҳтиромда яшаган мамлакатда албатта тинчлик ва ҳамжиҳатлик, ўсиш ва юксалиш бўлади. Шунинг учун ҳам биз учун буюк Она тимсоли бўлган аёл зотини халқимиз азал-азалдан улуғлаб, эъзозлайди. Одамзотга асрлар давомида меҳр туйғусини сингдириб, уни гўзаллик, вафо ва садоқат, ватанпарварлик руҳида тарбиялаб келаётган азиз ва муқаррам зот ҳам оналаримиздир. Бу ҳаётда нимага, қандай ютуқ ва натижаларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси мунис ва